



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 21 » июнь

№ПК-289

### **Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни жорий қилган ҳолда замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, шунингдек, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

Урганч давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида **Урганч давлат педагогика институти;**

Наманган давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида **Наманган давлат педагогика институти;**

Гулистон давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида **Гулистон давлат педагогика институти;**

Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти негизида **Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти;**

Андижон давлат университетининг Педагогика институти негизида **Андижон давлат педагогика институти;**

Бухоро давлат университетининг Педагогика институти негизида  
**Бухоро давлат педагогика институти;**

Термиз давлат университетининг Педагогика институти негизида  
**Термиз давлат педагогика институти;**

Қарши давлат университетининг Педагогика институти негизида  
**Шаҳрисабз давлат педагогика институти;**

Чирчиқ давлат педагогика институти негизида **Чирчиқ давлат педагогика университети;**

Жиззах давлат педагогика институти негизида **Жиззах давлат педагогика университети** ташкил этилсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин) ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Ташкенбаев) педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш учун:

**а) 2022 йил 1 сентябрга қадар:**

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда қайта кўриб чиқсин ва уларни Миллий малака рамкаси, Таълимни халқаро стандарт классификатори (МСКО–2011) ва халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, TIMSS, PIRLS, TALIS) талабларига;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўртасида академик мобилликни йўлга қўйиш учун уларнинг ўқув режалари ва таълим дастурларини бир-бирига мувофиқлаштирсин;

**б) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:**

таълим дастурларининг ўзаро уйғунлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълимда фойдаланиладиган дарсликлар ҳамда методик қўлланмаларни педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига уларнинг талабномасига мувофиқ пуллик асосда тақдим этиш тартибини жорий қилсин;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2–4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулоти “4+2” тартибида, шу жумладан дарсларнинг 4 кун олий таълим муассасасида, 2 кун мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ тартибида олиб борилишини таъминласин;

в) **2023 йил 1 сентябрга** қадар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан замонавий ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган физика, кимё, биология ва технологик таълим фанлари бўйича ўқув лабораторияларни ташкил этсин;

г) **2024 йил 1 январга** қадар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари учун “Олий таълим жараёнларини бошқариш” ахборот тизимида электрон ўқув дастурлар, дарсликлар, илмий-тадқиқот ишлари, мақолалар, тақдимотлар, мультимедиа таълим маҳсулотлари, маърузаларнинг аудио ва видео ёзувлари ҳамда бошқа контентларни жойлаштирсин;

д) **2024 йил 1 сентябрга** қадар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш ва ижодий фикрлаш кўникмаларни шакллантиришга қаратилган методикаларни жорий қилсин;

е) ҳар йили педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ихтисослик кафедраларининг камида **5 фоиш** профессор-ўқитувчиларини ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан хорижий давлатларга танлов асосида малака ошириш ва стажировкага юбориш чораларини кўрсин.

**3.** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норкулов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошкулов), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда эҳтиёждан келиб чиқиб, педагогик таълим йўналишлари учун ажратиладиган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўрсин.

**4.** Белгилансинки, **2023/2024 ўқув йили** қабулидан бошлаб педагогик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг:

мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган таълим йўналишлари бўйича **сиртқи таълим шаклига қабул амалга оширилмайди;**

мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилмаган педагогика соҳасидаги таълим йўналишларига сиртқи таълим шакли бўйича ўқишга **таълим тизимида педагогик фаолиятга оид камида беш йиллик иш стажига** эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Бунда, педагогика соҳасидаги таълим йўналишларида сиртқи таълим шакли бўйича ўқиш истагида бўлган шахсларнинг таълим **тизимида камида беш йиллик педагогик иш стажига** эга эканлиги “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидаги маълумотлар асосида белгиланади.

**5.** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) билан биргаликда **2023 йил 1 январга** қадар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари бакалавриатида таҳсил олаётган талабалар учун уларнинг таълим йўналишларига турдош бўлган мутахассисликлар бўйича **қўшимча педагогик тайёрлов дастурларини** (кейинги ўринларда – дастурлар) ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин.

Белгилансинки:

дастурлар бўйича ўқишга педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари бакалавриатининг **сўнгги икки босқичида таҳсил олаётган талабалар қабул қилинади;**

дастурлар бўйича ўқитиш талабаларнинг олий таълим муассасасида таҳсил олишдан **бўш бўлган вақтида пуллик асосда** амалга оширилади. Бунда, манфаатдор вазирлик, идоралар ва ташкилотлар томонидан дастурлар бўйича ўқитиш учун грант ажратилиши мумкин;

дастурларни ўзлаштирганлик тўғрисидаги сертификатга эга шахсларга олий таълим ташкилотида ўқишни битирганидан сўнг **қайта тайёрлаш курсларидан ўтмасдан** сертификатда кўрсатилган мутахассислик бўйича мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида **педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади.**

**6. 2023/2024 ўқув йилидан** бошлаб педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг **қўшма таълим дастурларида** таълим олаётган талабаларнинг ҳамкор хорижий олий таълим муассасасида ўқиш даври учун тўлов-контракт қийматини **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** қоплаб бериш тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасида **қўшма таълим дастурлари асосида** таҳсил олаётган талабаларнинг ҳамкор хорижий олий таълим муассасасида ўқиш даври учун тўлов-контракти қийматини **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** қоплаб бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг **қўшма таълим дастурларида** тўлов-контракт асосида таълим олаётган ва **юқори академик кўрсаткичларга** эга бўлган талабалари ўртасида **танлов ўтказилади;**

танловда ғолиб бўлган талабалар билан давлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида **камида уч йил ишлаб беришни** назарда тутувчи шартнома расмийлаштирилади;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида таълим олаётган талабаларнинг тўлов-контракт қийматини қоплаш учун маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тегишинча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлигига ажратилади;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида таълим олаётган талабаларнинг тўлов-контракт қийматини қоплаш учун ажратиладиган маблағлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлигининг Молия вазирлиги Ҳазначилигида очилган алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағида назарда тутилади.

**7. “Эл-юрт умиди” жамғармаси (А.Бекмуродов) 2023 йилдан бошлаб педагогика соҳаси бўйича нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида** бакалаврият, магистратура, докторантура дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида педагог кадрлар учун **камида 35 та алоҳида квота ажратилишини таъминласин.**

**8. Қуйидагилар:**

2022–2026 йилларда педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича **“йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ;

2023–2026 йилларда педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини ривожлантиришнинг мақсадли **кўрсаткичлари** 3.1–3.10-иловаларга мувофиқ;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари факультетларини мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига **бириктириш жадвали** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари уларга бириктирилган мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари билан олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчиларни узлуксиз касбий ривожлантириш масалаларида яқиндан ҳамкорлик қилади, шу жумладан таълим муассасаларида маҳорат дарслари ҳамда талабалар амалиётини ташкил этади, ушбу муассасаларга ўқув-методик жиҳатдан ёрдам кўрсатади.

**9. Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этиладиган академик лицейлар рўйхати** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этиладиган академик лицейлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

тегишли педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари;

хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**10. Белгилансинки:**

**2023/2024 ўқув йилида** тажриба-синов тариқасида педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ҳузуридаги академик лицейларга қабул **икки босқичли саралаб олиш тизими** – дастлабки ёзма имтиҳон ҳамда тест синовлари асосида ташкил этилади. Бунда, дастлабки ёзма имтиҳон ва тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4910-сон қарори талабларига мувофиқ амалга оширилади;

рўйхати 5-иловада белгиланган таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари оператив бошқарув ҳуқуқи асосида академик лицейлар ташкил этиш учун педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига бепул берилади;

мазкур қарорга мувофиқ педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига берилаётган таълим муассасаларининг ўқувчилари ўқишини ушбу муассасаларда амалдаги ўқув дастурлари асосида тугатади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган академик лицейлар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4910-сон қарори талабларига мувофиқ ташкил қилсин.

**11.** Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг педагог касбига лаёқати мавжуд бўлган 10–11-синф ўқувчиларини махсус ишлаб чиқилган вариатив ўқув режалари асосида ўқитиш чораларини кўрсин.

**12.** Таълимнинг барча босқичларида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида **Педагогик таълимни ривожлантириш бўйича республика кенгаши** (кейинги ўринларда – Кенгаш) 6-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, педагог кадрлар тайёрловчи профессионал ва олий таълим муассасалари, соҳада фаолият юритаётган илмий ва малака ошириш ташкилотлари ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш ва мустаҳкамлаш;

мамлакатда педагогик таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, унинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик дастурини тасдиқлаш ҳамда амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўқув режалари ва таълим дастурларининг ўзаро узвийлигини, шунингдек, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг дастурлари билан узлуксизлигини таъминлаш;

таълим муассасаларининг педагогика соҳасидаги ижобий тажрибасини, шунингдек, ўқитиш ва таълим олувчилар билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини оммалаштириш;

педагогика соҳасида илм-фан ва таълимни ривожлантиришга оид долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни кенг жамоатчилик иштирокида, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали муҳокама қилиш ва илғор хорижий тажрибалар асосида уларнинг ечими бўйича тавсиялар тайёрлаш;

педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим дастурлари ва дарсликларни такомиллаштириш, замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш томонидан тайёрланган таклифлар тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда давлат таълим ва илмий муассасалари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади, улар Кенгашга ўз вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак беради, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб боради.

### **13. Белгилаб қўйилсинки:**

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари юридик шахс сифатида ташкил этилади, давлат олий таълим муассасалари ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан, шартномалар асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқув жараёни **2022/2023 ўқув йилидан** бошланади;

2022/2023 ўқув йилида Урганч давлат университети, Наманган давлат университети, Гулистон давлат университетининг педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича қабул қилинган талабалар ўқишларини тегишлилиги бўйича Урганч, Наманган ва Гулистон давлат педагогика институтларида бошлайди;

Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти, Андижон давлат университетининг Педагогика институти, Бухоро давлат университетининг Педагогика институти, Термиз давлат университетининг Педагогика институти, Қарши давлат университетининг Педагогика институти, Чирчиқ давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтида таҳсил олаётган талабалар бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тегишлилигига кўра мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиради ҳамда уларга ўқиш якуни бўйича ушбу олий таълим муассасаларининг дипломи берилади;

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига давлат гранти асосида қабул қилинадиган талабаларнинг сони реал эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларида белгиланади;

мазкур қарорга мувофиқ янгидан ташкил этилаётган Урганч, Наманган ва Гулистон давлат педагогика институтлари фаолиятини молиялаштириш 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2023 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

мазкур қарорга мувофиқ янгидан ташкил этилаётган Урганч, Наманган ва Гулистон давлат педагогика институтларининг дастлабки фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан жорий таъмирлаш ва зарур жиҳозларни харид қилиш ишлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### **14. Қуйидагилар:**

Урганч давлат университетининг Урганч шаҳар, Гурлан кўчасида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди ҳамда мавжуд барча жиҳозлари билан биргаликда Урганч давлат педагогика институтига;

Наманган давлат университетининг Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 316-уй ва Бобур Шоҳ кўчаси, 81-уй манзилларида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди ҳамда мавжуд барча жиҳозлари билан биргаликда Наманган давлат педагогика институтига;

Гулистон давлат университети академик лицейининг Гулистон шаҳар, 4-мавзе, Бўстон маҳалласи ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда Гулистон давлат педагогика институтига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

Гулистон давлат университетининг академик лицейи университетнинг Гулистон шаҳар, 4-мавзе, Бўстон маҳалласи ҳудудидаги Санъатшунослик факультети биносига жойлаштирилсин.

**15.** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**16.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов, халқ таълими вазири Б.О. Саидов ҳамда мактабгача таълим вазири А.В. Шин белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**2023/2024 ўқув йили қабулидан бошлаб педагогик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида сиртқи таълим шаклига қабул амалга оширилмайдиган таълим йўналишлари рўйхати**

<b>Т/р</b>	<b>Шифр</b>	<b>Таълим йўналишлари номи</b>
1.	60110600	Математика ва информатика
2.	60110700	Физика ва астрономия
3.	60110800	Кимё
4.	60110900	Биология
5.	60111000	География ва иқтисодий билим асослари
6.	60111400	Ўзбек тили ва адабиёти
7.	60111500	Она тили ва адабиёти (тиллар бўйича)
8.	60111600	Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили
9.	60111700	Ўзга тилли гуруҳларда рус тили
10.	60111800	Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)
11.	60112000	Чақириққача ҳарбий таълим
12.	60112500	Мактаб менежменти
13.	60112600	Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)
14.	60112700	Махсус педагогика (фаолият турлари бўйича)

**2022–2026 йилларда педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича  
“йўл харитаси”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Ижро учун масъуллар
<b>I. Ўқув жараёнини такомиллаштириш, янги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларини жорий этиш</b>					
1.	Педагогика соҳаси таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун ўзгарувчан ўқув режа ва дастурларини жорий этиш, талабаларнинг қизиқишлари ҳамда кадрлар истеъмолчиларининг талабларини инобатга олган ҳолда махсус таълим дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	1. Педагогика соҳаси таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун ўзгарувчан ўқув режа ва дастурлари бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш. 2. Хорижий тажрибалар асосида ўзгарувчан ўқув режа ва таълим дастурлари лойиҳаларини педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.	2022 йил 1 август  2022 йил 15 август	–	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
2.	Халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг, хусусан соҳалар ва ҳудудлар бўйича биринчи 1000 талик ўринга кирган хорижий олий таълим	1. Халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингда биринчи 1000 талик рўйхатга кирган олий таълим муассасалари билан алоқаларини кенгайтириш ва ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш. 2. Ўзаро ҳамкорлик асосида хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўқув жараёнига жалб этиш.	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб доимий  Ҳар ўқув йилида	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов),

	муассасаларидан профессор-ўқитувчиларни жалб этиш.	3. “Эл-юрт умиди” жамғармаси талабларига мувофиқ, танлов асосида магистратура ва докторантурага ўқишга юбориш.	2023 йил 1 октябрь		“Эл-юрт умиди” жамғармаси (А.Бекмуродов)
3.	Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ташкил этган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари талабаларининг ҳамкор хорижий олий таълим муассасасида ўқиш даври учун тўлов-контракт қийматини қоплаш.	<p>1. Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ташкил этган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари талабаларининг тўлов-контракт қийматини қоплаш тартибини белгилашга оид Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги томонидан педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган ва ўтган ўқув семестрлари якунида юқори академик кўрсаткичларга эга бўлган талабалари ўртасида танлов ўтказиш;</p> <p>танлов ғолиблари билан улар таҳсил олаётган педагогик мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида камида уч йил ишлаб беришни назарда тутувчи шартнома расмийлаштириш ва уларнинг тўлов-контракти қийматини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш;</p>	2023 йил 1 июль	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Молия вазирлиги, (Т.Ишметов) Ташқи ишлар вазирлиги (В.Норов)

		<p>педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида таълим олаётган талабаларнинг тўлов-контракт қийматини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаш харажатлари учун маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тегишинча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлигига ажратиш.</p> <p>2. Ҳукумат қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил 1 август		
4.	Педагогика йўналиши битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича доимий яшаш ҳудудларига ишга йўналтириш.	<p>1. 2021/2022 ўқув йили битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш ҳолатини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Битирувчиларни кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда ўз мутахассисликлари бўйича ишга йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш.</p>	2022 йил 1 сентябрь  Чора-тадбирлар режасига мувофиқ	–	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
5.	Масофавий ўқитиш тизимини такомиллаштириш.	1. Профессор-ўқитувчилар томонидан кундузги, сиртқи, кечки таълим шаклларида ўтказиладиган (маъруза, амалий, лаборатория ва семинар) машғулотлар видеоёзувларининг марказлашган каталогини педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг расмий веб-саҳифаларига жойлаштириш.	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб доимий	–	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)

		2. Видеоёзувларни онлайн трансляция қилишга мўлжалланган электрон платформани таълим жараёнида қўллаш.	2023 йил 1 январь		
6.	Умумтаълим мактабларида педагогика соҳасига мойиллиги ва қизиқиши бўлган юқори синф ўқувчилари учун касбга йўналтириш ишларини фаоллаштириш.	1. Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига бириктирилган умумтаълим мактабларида педагогика соҳасига қизиқиши бор ўқувчиларни аниқлаш. 2. Мазкур мактабларда машғулот ўтишга етакчи профессор-ўқитувчилар ва олимларни жалб этиш. 3. Бириктирилган умумтаълим мактабларида олий таълим муассасалари талабалари учун “Мактабда бир кун” лойиҳасини амалга ошириш.	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб доимий  Қар ўқув йили март ойида	–	Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
7.	Педагогика соҳаси таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларни ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланишига эришиш.	1. Фанлардан кам сонли ва етишмаётган ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш. 2. Ўқув адабиётларини яратиш ва нашр этиш. 3. Ўқув адабиётларини яратишда хорижий тажрибалар ва иш берувчи корхоналардаги техник тараққиёт режасига таяниш, хорижий адабиётларни таржима қилиш ва муаллифларни рағбатлантириб бориш.	2022 йил 1 октябрь  Доимий  Доимий	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
8.	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.	1. Ўқув аудиторияларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ жиҳозлаш. 2. Электрон журнал, электрон даволат ва электрон дарс жадвали тизимидан фойдаланишни янада кенгайтириш.	2023 йил 1 январь  2023 йил 1 сентябрь	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

		<p>3. Кафедра ўқув юкларини тайёрлаш ва унинг бажарилишини назорат қилишнинг электрон тизимини жорий қилиш.</p> <p>4. Таълим тизимига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, хусусан: ўқув аудиторияларини онлайн веб-камералар билан тўлиқ жиҳозлаш ва ҳар бир факультетда маъруза машғулоти учун мўлжалланган “SMART” аудиториялар яратиш;</p> <p>ҳар бир талабани рақамли технологияларга асосланган ID-карталар билан таъминлаш ва шу орқали таълим жараёнини назорат қилиш;</p> <p>кутубхона фондини рақамлаштириш ва электрон кутубхона тизимига киритиш;</p> <p>таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни йўлга қўйиш.</p>	<p>2023 йил 1 сентябрь</p> <p>2023 йил 1 сентябрь</p>		(А.Тошқулов)
9.	Ўқув жараёни бошқаришнинг замонавий ахборот тизимлари асосида амалга оширилишини таъминлаш.	<p>1. Олий таълим муассасаларининг тузилмаси, профессор-ўқитувчилар ва ходимлари ҳамда талабалар тўғрисидаги маълумотларнинг HEMIS дастурига тўлиқ киритилишига эришиш.</p> <p>2. Ўқитилаётган барча фанлар бўйича контентларининг электрон базасини шакллантириш ва тизимга киритиб бориш.</p>	<p>2022 йил 1 сентябрь</p> <p>Доимий</p>	—	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
10.	Педагогик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш.	<p>1. Номзодларни танлаб олиш ва саралаш бўйича Комиссия таркибини тасдиқлаш.</p> <p>2. Танлов комиссияси тартибини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2022/2023 ўқув йилидан бошлаб</p>	—	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Бандлик

		3. Муносиб номзодларни лавозимга тайинлаш.	босқичма-босқич		ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов)
<b>II. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда илмий ишлар натижадорлигини таъминлаш</b>					
11.	Олий таълим муассасаларида дунёнинг нуфузли биринчи 1 000 талик ўринга кирган олий таълим муассасаларида PhD (фалсафа доктори ёки фан номзоди) ва DSc (фан доктори) илмий даражаларни олган профессор-ўқитувчилар салмоғини ошириш.	<p>1. Ёш тадқиқотчиларнинг чет тилини билиш даражасини ошириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш.</p> <p>2. Дунёнинг нуфузли биринчи 1 000 талик ўринга кирган олий таълим муассасалари томонидан эълон қилиб борилаётган грантларда ёш тадқиқотчиларнинг иштирок этишини таъминлаш.</p> <p>3. Дунёнинг нуфузли биринчи 1 000 талик ўринга кирган олий таълим муассасаларида PhD (фалсафа доктори ёки фан номзоди) ва DSc (фан доктори) илмий даражасини олиш учун таҳсил олаётган профессор-ўқитувчиларнинг диссертациясини ўз вақтида ҳимоя қилиш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>2023–2026 йиллар</p> <p>2023 йил 1 сентябрь</p> <p>2023 йил 1 ноябрь</p>	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) “Эл-юрт умиди” жамғармаси, (А.Бекмуродов) Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари
12.	Педагогика соҳаси илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш.	<p>1. Замонавий илғор тажрибаларни ўзлаштириш орқали педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида илмий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тадқиқотчиларни статистик, техник ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш.</p>	<p>2023 йил 1 март</p> <p>2023 йил 1 май</p>	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов)

13.	Педагогик тадқиқотларни республикада олиб борилаётган илмий ишларнинг устувор йўналишларига мувофиқлаштириш.	1. Педагогика соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаш. 2. Педагогик инновациялар яратиш, замонавий методикаларни ишлаб чиқиш, тарбиявий ишларни ташкил этишнинг самарали усулларини амалиётга жорий қилиш.	2023 йил 1 октябрь  2023 йил 1 декабрь	–	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)
14.	Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш.	1. Талабаларнинг педагогика соҳасига ва илмий тадқиқот ишларига қизиқишларини аниқлаш. 2. Иқтидорли ёшларни юқори натижаларга эришган, салоҳиятли профессор-ўқитувчиларга бириктириш. 3. Талабаларнинг республика ва халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал ўйинлар ҳамда турли танловларда иштирок этишларини таъминлаш.	2023 йил 1 сентябрь  2023 йил 1 октябрь  Режа-жадвалга мувофиқ	–	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
15.	Профессор-ўқитувчилар томонидан “Scopus” ва “Web of Science” халқаро маълумотлар базаларига киритилган илмий журналларда мақолалар чоп этиш, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари салмоғини ошириш.	1. Профессор-ўқитувчилар илмий журналларда мақолалар чоп қилишлари учун семинар-тренинглар ташкил этиш, консультация ва маҳорат сабоқларини ўтказиш. 2. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишлари натижаларини патентлаштириш ишлари салмоғини ошириш, тажрибали профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳа мутахассислари томонидан уларга зарур маслаҳатлар бериб бориш.	2024 йил 1 январь  Доимий	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари

16.	Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириб бориш.	<p>1. Профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини ошириш учун мутахассислик йўналишларидан келиб чиқиб, етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p>2. Профессор-ўқитувчилар ҳамда иқтидорли талабаларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган нуфузли тадбирлар, жумладан конференциялар, симпозиумлар ва семинарларда мунтазам иштирок этишини таъминлаш.</p> <p>3. Хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш.</p> <p>4. Профессор-ўқитувчиларнинг етакчи хорижий университет, институт ва марказларда малака оширишини таъминлаш.</p>	<p>2023 йил май ойидан бошлаб доимий</p> <p>Доимий</p> <p>2023 йил 1 январь</p> <p>Доимий</p>	<p>Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)</p>
<b>III. Халқаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, таълим жараёнига хорижий мутахассис ва ўқитувчиларни жалб қилиш</b>					
17.	Таълим соҳаларига мос тегишли етакчи хорижий илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.	<p>1. Хорижий олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари билан ҳамкорликда халқаро доирадаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.</p> <p>2. Хорижий профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқув, услубий ва илмий адабиётларни тайёрлаш.</p> <p>3. Хорижий ҳамкор ташкилотлар билан мутахассислик фанлари бўйича вебинарлар ташкил қилиб бориш.</p>	<p>2023 йил 1 февралдан бошлаб</p> <p>Доимий</p> <p>2023 йил 1 май</p>	<p>Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар</p>	<p>Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)</p>
18.	Хорижий талабалар улушини босқичма-босқич ошириб бориш.	<p>1. Халқаро талабалар анжуманларини ўтказиш ва уларда хорижий талабалар иштирокини таъминлаш.</p>	<p>Режа-жадвалга мувофиқ</p>	<p>Халқаро грантлар, Олий таълим муассасалари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>

		2. Етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма дастурлар (double degree, joint degree) доирасида кадрлар тайёрлаш.		рининг бюджетдан ташқари маблағлари	(А.Тошқулов), Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари
19.	Хорижий университетлар билан ҳамкорликда талабалар алмашинувини ва қўшма илмий-тадқиқотларни ташкил этиш.	1. Етакчи университетлар ва илмий марказлар билан қўшма илмий-тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш. 2. Талабаларнинг халқаро илмий конференцияларда иштирокини таъминлаш. 3. Хорижий университетлар билан ҳамкорликда талабалар алмашинувини йўлга қўйишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш.	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб доимий	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
<b>IV. Моддий-техника базани мустаҳкамлаш</b>					
20.	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг моддий-техника базани модернизация қилиш, шу жумладан улар учун янги ўқув бинолари ва талабалар турар жойларини қуриш.	1. Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш гуруҳ ташкил этиш. 2. Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини хатловдан ўтказиш. 3. Хатлов натижаларига кўра молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	2023 йил 1 февраль  2023 йил 1 март  2023 йил 1 апрель	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари, Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари

21.	Таълим жараёнида IT-технология инфратузилмасини ривожлантириш.	<p>1. Мавжуд локал ва оптик толали тармоқларни хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижаларидан келиб чиқиб ҳамда техник топшириқ асосида тармоқ жиҳозларини харид қилиш ва ўрнатиш.</p> <p>3. Ўқув жараёнида фойдаланиш учун лицензияланган дастурий таъминот маҳсулотларини харид қилиш.</p>	<p>2022 йил 1 декабрь 2023 йил 1 март</p> <p>2023 йил 1 апрель</p>	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
22.	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг ўқув биноларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш.	<p>1. Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари биноларининг техник ҳолатини ўрганиб чиқиш.</p> <p>2. Олинган техник хулосаларга асосан педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг биноларини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Объектларни реконструкция қилиш ишларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш.</p> <p>4. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бажариладиган ишларни Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклиф киритиш.</p>	<p>2023 йил 1 январь</p> <p>2023 йил 1 февраль</p> <p>2023 йил 1 март</p> <p>2023 йил 1 апрель</p>	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари, Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари
23.	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг ўқув лабораторияларини умумий ўрта таълим муассасаларидаги талабларга мувофиқ ташкил этиш.	<p>1. Лаборатория хоналарини тайёрлаш ва жиҳозлаш.</p> <p>2. Талабаларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятларини кенгайтириш.</p>	2023 йил 1 апрель Доимий	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

					(А.Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов)
<b>V. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш, шунингдек, талабаларнинг соғлом турмуш тарзини юритиши учун шарт-шароитлар яратиш</b>					
24.	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этиш мақсадида марказ ташкил қилиш.	<p>1. Марказ фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Марказ учун бешта муҳим ташаббусни қамраб оладиган хоналар ажратиш ва уларни керакли техника ва жиҳозлар билан таъминлаш.</p> <p>3. Факультетлар ўртасида “Ёш педагог”, “Таълим ва тарбия”, “Заковат” каби кўрик-танловларни ўтказиш.</p> <p>4. Ашула ва рақс ансамбли ҳамда талабалар хор жамоасини ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил 1 ноябрь</p> <p>2023 йил 1 январь</p> <p>Режа-жадвал асосида</p> <p>2023 йил 1 март</p>	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар, ҳомийлик хайриялари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов)
25.	Талабаларда китоб мутолаасига қизиқишни янада ошириш ва ижодкор ёшларни рағбатлантириш.	<p>1. Талабалар ўртасида “Энг яхши китобхон”, “Мен севган адиб”, “Мен севган хорижий асар”, “Мен севган адабий қаҳрамон”, “Мен ўқиган бадий китоблар” каби мавзуларда танловлар ўтказиш.</p> <p>2. Академиклар, ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар иштирокида кечалар ва ижодий учрашувларни ташкил этиш.</p>	<p>Ҳар йили март-апрель ойларида</p> <p>Доимий</p>	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар, ҳомийлик хайриялари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов),

					Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожиматов)
26.	Талабаларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шароит яратиш.	1. Талабаларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш. 2. Мунтазам равишда спорт мусобақаларини ўтказиш. 3. Жисмоний тарбия ва спортга доир тадбирларни ташкил этиш.	Доимий  Ҳар йили режа-жадвал асосида Доимий	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар, ҳомийлик хайриялари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икромов)
27.	Ёшлар ўртасида илмий-маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш.	1. Ёзги мактабларни ташкил қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ёзги мактаблар бўйича халқаро лойиҳалар базасини шакллантириш ва уларда талаба-ёшларнинг иштирокини таъминлаш. 3. Ёзги мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш.	2023 йил 1 март  2023 йил 1 май  2023 йил 1 июнь	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар, ҳомийлик хайриялари	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 21 июндаги ПҚ–289-сон қарорига  
3.1-илова

**2023–2026 йилларда Андижон давлат педагогика институтини ривожлантиришнинг  
мақсадли кўрсаткичлари**

Т/р	Устувор вазифалар	Мақсадли кўрсаткичлар	Йиллар кесимида				Ўсиш кўрсаткичи (2023 йилга нисбатан)
			2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	
1.	Чет тили фанидан миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга профессор-ўқитувчилар улушини ошириш	Асосий штатдаги профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан (фоизда)	10	13	19	25	2,5 баравар
2.	Чет тили фанидан миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга талабалар улушини ошириш	Жами талабалар сонига нисбатан (фоизда)	5	8	14	20	4 баравар
3.	Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш	Илмий салоҳият (фоизда)	20	26	32	35	75 фоиз
4.		Ҳимоя қилинадиган фалсафа доктори диссертациялари (PhD) сони	3	5	14	21	7 баравар
